



ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ*
к договору (контракту) от 24.01.2022 г. № 161

между "Охрана" упр.охр.при УВД Таш. обл. и Угом Чоткол Давлат миллий табиат боги бошкармаси на общую сумму 12515214,00

Глава _____ 142
Казначейский лицевой счёт _____ 100021860272247042202142001

(в сумах)

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)			Всего
	4293000			
Январь	4 171 738,00			4 171 738,00
Февраль	4 171 738,00			4 171 738,00
Март	4 171 738,00			4 171 738,00
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Всего за год	12 515 214,00			12 515 214,00

Всего 12515214,00 сум

Двенадцать миллионов пятьсот пятнадцать тысяч двести
четырнадцать сум 00 тийин
сумма прописью

Из вышеуказанной суммы _____ сум или _____ % *** от общей суммы договора подлежат предоплате в _____ мес. 20__ г.

(*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2-х экземплярах;

(**) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(***) — Месячный _____ % , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до _____ числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика



Мирзакулов Уматкул Маматкулович
Ф.И.О.

Главный бухгалтер заказчика

Нишонбоева Г. А.
Ф.И.О.

Принял работник казначейского подразделения _____

(подпись)

Получил работник заказчика _____

(подпись)

«__» _____ 20__ г.

«__» _____ 20__ г.

**Техник кўриқлаш маркази (ТҚМ) орқали кўриқлаш хизмати
кўрсатиш бўйича
ШАРТНОМА**

Тошкент вилояти

161 -сон

2022 йил «24» 02

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Кўриқлаш бош бошқармаси Тошкент вилояти Кўриқлаш бошқармаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи бошқарма бошлиғи М.М.Мирзабеков (кейинги ўринларда «Ижрочи» деб юритилади) бир томондан, Угом-Чотқол давлат миллий табиат боғи номидан Устав асосида фаолият юритувчи бош директори У.М.Мирзакулов (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) иккинчи томондан, биргаликда «Томонлар» деб юритилади, мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

1-боб. Шартноманинг предмети

1. Ижрочи Миллий гвардия Кўриқлаш бош бошқармаси техник кўриқлаш марказидан (кейинги ўринларда ТҚМ деб юритилади) фойдаланган ҳолда Буюртмачининг мулкани кўриқлаш хизматини кўрсатиш мажбуриятини, буюртмачи эса мазкур шартнома шартларига асосан ўз вақтида кўрсатилган хизмат учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2-боб. Умумий шартлар

2.1. Буюртмачи Угом-Чотқол давлат миллий табиат боғи

- Бўстонлик тумани, Искандар кўрғони, Фурқат кўчаси 112 уйда жойлашган, курул сақлаш хонаси (объект)ни периметр орқали тунги вақтларда дам олиш кунисиз, соат 17:00 дан соат 08:00 гача 15 (ўн беш) соатга ижрочига топширади.

- Бўстонлик тумани, Искандар кўрғони, Фурқат кўчаси 112 уйда жойлашган, курул сақлаш хонаси (объект)ни ташвиш тугма орқали тунги вақтларда дам олиш кунисиз, соат 19:00 дан соат 07:00 гача 12 (ўн икки) соатга ижрочига топширади. Ижрочи Бўстонлик тумани Кўриқлаш бўлими 1-сонли техник кўриқлаш маркази орқали кўриқлаш учун қабул қилади ҳамда 6 донга 1 шартли белгига техник хизмат кўрсатади.

2.2. Объектнинг техник мустаҳкамлиги тўғрисидаги, кўриқлаш ва ёнғиндан огоҳлантирувчи сигнализация (КЕОС) воситалари билан жиҳозланган жойлар, код билан маҳкамланадиган мосламалар ва бошқа маълумотлар мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган илова ва текширув далолатномасида кўрсатилади.

2.3. Объектнинг кўриқлаш техник воситалари билан таъминлаш Буюртмачи томонидан амалга оширилади. Бу воситаларнинг техник хизмати ва жорий таъмирланиши шартнома асосида Ижрочи инженер-техник ходимларига алоҳида тўлов орқали амалга оширилади. Объектни кўриқлаш ва ёнғиндан огоҳлантирувчи мосламалар схемаси шартномага илова қилинади.

2.4. Кўриқлаш тизимида амалда бўлган умумдавлат ҳужжатлари ва норматив актларига асосланган ҳолда объектнинг техник мустаҳкамлигини кучайтириш, кўриқлаш воситаларига тадбиқ этиш ва жорий этилган кўриқлаш тартибларига амал қилиш юзасидан кўрсатмалар Буюртмачи учун мажбурий ҳисобланади.

3-боб. Тўловларни амалга ошириш

3.1. Мазкур Шартнома бўйича кўрсатиладиган хизмат нархи 1 ойда 4 171 738 (тўрт миллион бир юз етмиш бир минг етти юз ўттиз саккиз сўм 00 тийин) ни, бир йиллик хизмат нархи 50 060 856 (эллик миллион олтмиш минг саккиз юз эллик олти) сўмни ташкил қилади, ўрнатилган тариф асосида кўриқлаш пост-соат ҳисоби бўйича шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган ҳисоб-сметасида ҳисоблаб кўрсатилади.

Ижрочи хизматлари учун тўловларга ўзгартиришлар киритиш қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу хизматлар турига янги тарифлар тасдиқланган ҳолларда қайта кўриб чиқилади.

3.2. Буюртмачи кейинги ой бошланишидан 10 кун олдин ойлик тўловнинг 100% миқдоридаги пулни Ижрочининг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

3.3. Ижрочи хизмати учун ҳисоб-китоб қилишга ўз маблағлари бўлмаган ҳолда. Буюртмачи белгиланган муддатда юқори орган (ташкilotлар) марказлашган фондидан кўшимча маблағлар ҳисобига қарздорликни қоплайди.

3.4. Ижрочининг кўшимча хизматлари учун Ижрочи томонидан ҳисоб ёки билдириш берилганда Буюртмачи томонидан 10 кун муддатда пул ўтказиш йўли билан тўланади

4-боб. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4.1. Буюртмачининг мажбурияти ва ҳуқуқлари:

4.1.1. Объектни ТҚМга улаш учун кўриқлашга соз ҳолдаги, АТСга уланган телефон тармоғини ажратади.

4.1.2. Кўриқлашга топшириладиган объектни техник мустаҳкамлигини таъминлаш мақсадида текширув далолатномаси юзасидан дераза, туйнук, эшик, кулф ва бошқаларни меъёрий талаблар асосида жиҳозлайди ва мустаҳкамлайди.

4.1.3. Ижрочи вакилларига, ушбу шартнома асосида олган мажбуриятларини бажариш учун эркин кириб чиқишига шароит яратади.

4.1.4. Объектни кўриқлашга топшириш ва қабул қилиш, калитларни сақлаш ва объектни очиб кўздан кечириш учун жавобгар шахсни тайинлайди.

4.1.5. Объектнинг калити йўқолиши оқибатида уни алмаштирилганда, шунингдек, унинг бутлиги бузилганлиги аниқланганда зудлик билан Ижрочига хабар беради.

4.1.6. Бегона шахсларга кўриқлаш ва сигнализация тизимини ҳамда пулт рақамларини ўзлаштирмаслиги учун уларни ошкор қилмайди.

4.1.7. Кўриқлаш сигнализация воситаларидан фойдаланиш қоидаларига қатъий риоя қилади. Объектни блокировка схемасига ўзгартиришлар киритмайди, ўз ихтиёри билан сигнализация воситаларини алмаштирмайди. Ижрочи юзага келган камчиликлар юзасидан ўз вақтида хабардор қилади.

4.1.8. Объектни кўриқлаш остига топширишдан олдин эшик, дераза, туйнуқларни маҳкамланганлигига ишонч ҳосил қилади. Уларни доимий равишда соз ҳолда сақланишини таъминлайди.

4.1.9. ҚЎОС воситаларини ишчи ҳолатини текшириш учун кунига бир маротаба “Ташвиш” хабари бериш йўли билан, Ижрочини телефон орқали хабардор қилган ҳолда текширув ўтказилади.

4.1.10. Ҳисоб-сметаси асосида ўрнатилган тарифда кўриқлаш хизмати учун ҳар ойлик мажбурий тўловни амалга ошириб боради.

4.1.11. Кўриқлашнинг тўлов ҳисоби ва далолатномаси асосида куйидаги тўловларни амалга оширади:

- объектда ўрнатилган объект ҳисобида бўлмаган ва унинг хатоси билан ишдан чиққан техник воситаларни таъмирлаш учун;

- объектга ўрнатилган кўриқлашга тегишли бўлган техник воситаларни таъмирлаш учун;

- сигнализация воситаларининг 5 (беш) йиллик фойдаланиш муддати ўтиб, мукамал таъмирлаш учун;

- ТҚМни модернизациялаштирилган кўриқлаш системасига ўтказилиши муносабати билан объектни замонавий техника воситалари билан алмаштириш учун;

- Буюртмачи айби билан берилган сохта ташвиш хабар учун (объектни НБП навбатчи бошқарув пулти) ни хабардор этмаган ҳолда кўриқлашдан чиқариш, телефон дастагини нотўғри ҳолатда қўйиш, мазкур шартноманинг 4.1.8.-банди талаблари

бажарилмаганда) қўриқлаш нарядининг келишига, ҳар бир келиши бир ойлик тўлов ҳисобидан 15 % миқдориди жарима белгиланади.

4.1.12. Сигнализация воситалари учун уланган электр ва телефон тармоқларини ўз вақтида таъмирлаш чораларини кўради.

4.1.13. Объектни мазкур шартномада кўрсатилган тартибда белгиланган давомийликда ва муддатга марказлаштирилган кузатувга топширади.

4.1.14. Объектнинг техник мустаҳкамлигини ва ҚЁОС воситалари билан жиҳозланишини таъминлайди ва сақлайди.

4.1.15. Қўриқланаётган объект ва унинг периметрини тунги пайтларда керакли ёритиш мосламалари билан жиҳозлаб, ТҚМ нарядларига мумкин даражада кўринишни таъминлайди.

4.1.16. Қўриқланадиган объектни тоифасига қараб, девори, томи ҳамда деразалари ва эшикларини кўрсатилган меъёр даражасида бўлишини таъминлайди.

4.1.17. Қўриқланадиган объектда ўзининг кучи ҳисобидан ёнғин хавфсизлиги тадбирларини ташкил этади ва таъминлайди.

4.1.18. Объект витриналарида қимматбаҳо товар-моддий маҳсулот намуналаридан кўйиш зарур бўлганида, улар ўрнига макетларини кўяди. Витриналарга кўйилган қимматбаҳо товар-моддий бойликларни уларнинг қиймати кўрсатилган ҳолда рўйхатга олиб, моддий жихатдан масъул киши томонидан имзоланади ва Буюртмачи муҳри билан тасдиқланади.

Мазкур рўйхатнинг бир нусхаси витринада, иккинчи нусхаси Буюртмачининг моддий жихатдан масъул шахсида, учинчи нусхаси Ижрочига берилади.

4.1.19. Сақлаш даврида пул маблағлари, қимматбаҳо тошлар, олтин, платинадан ишланган маҳсулотлар, тилла, платина, кумуш корпусли соатлар полга маҳкамланган сейфларда сақланади. Пул маблағлари, қимматбаҳо металл ва тошлардан бўлган маҳсулотларни сақлашда Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги хузуридаги Қимматбаҳо металл қўмитасининг Давлат палатаси томонидан ва юридик шахсларнинг касса операцияларини юритиш Қоидалари билан белгиланган талаблар лимитидан юқори бўлса, сақлашга йўл кўймайди.

4.1.20. Қўриқланадиган объектга ўрнатилган ҚЁОС воситаларига Қўриқлаш ходимларини эркин ҳаракатини таъминлайди.

4.1.21. Ижрочи билан биргаликда бир (квартал) чоракда бир марта объектни техник мустаҳкамлиги, қўриқлаш техник воситалари, шу жумладан ҚЁОС воситалари билан жиҳозланганлигини текшириб, шу ҳақда масъул вакиллар имзоси кўйилган, Буюртмачи томонидан мавжуд камчиликларни бартараф қилиб, Ижрочига ахборот бериш учун муддати кўрсатилиб, далолатнома тузилади. Мазкур далолатнома шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади, унда кўрсатилган вазифалар бажарилади.

4.1.22. Текширув далолатномаси юзасидан объектнинг техник мустаҳкамлигини ошириш чора-тадбирларини бажаради, объектни кўриқланишини такомиллаштириш, ички ва кириб-чиқиш тартибини яхшилаш, моддий товар бойликларни сақланиши учун зарурий шарт-шароитлар яратади ва Ижрочига ўзининг вазифаларини ижро этиши учун кўмаклашади.

4.1.23. Объект худудида таъмирлаш ишлари ёки бошқа тадбирлар ўтказилиши, қўриқланадиган жойлар ва майдонларни ижарага топширилганлиги, эски қўриқланадиган жойларни ўзгартириш ёки янгисини вужудга келиши, мазкур объектни бошқа шахсларга топширилиши муносабати билан пост жойлашувлари ўзгартирилиши, қўшимча постлар кўйилиши, ҚЁОС воситалари билан жиҳозланиши лозим бўлган тақдирда, Буюртмачи бу ҳақда Ижрочига 15 кун аввал ёзма равишда билдиради.

4.1.24. Ижрочи томонидан ваколат берилмаган шахсларга, қўриқлаш ва ёнғиндан огоҳлантирувчи техник воситаларини техник кўриқдан ўтказиши ва таъмирлашга рухсат бермайди.

4.1.25. Объектни ТҚМга топширишдан камида 3 (уч) соат олдин ҚЁОС воситаларини созлигини, топширилишини назорат тариқасида текширади. Носозлик аниқланганда зудлик билан хизмат кўрсатадиган электр таъмирловчини чақиради ва бу борада Ижрочига хабар беради.

4.1.26. Объект, ҚЁОС воситалари билан жиҳозланган ҳар бир алоҳида хоналарни кўриқлаш постига, шунингдек ТҚМ кўриғига кунда топшириб боради, эшикларнинг кулфлари, деразаларни, туйнукларни ва люкларни ёпилиши, кўриқлаш сигнализация воситалари ва тунги ёритиш воситаларини ҳолатини текширади, кўриқланадиган хоналарда ўчирилмаган электр мосламалар, бошқа ёнғинга олиб келувчи мосламаларни ёқилган ҳолда қолиб кетмаслигини ва бегоналар бўлишининг олдини олади. объектни топширилиши тўғрисида ТҚМга 5 (беш) дақиқадан кейин хабар тушгандан сўнг объект кўриқлашга олинганлиги тўғрисида ишонч ҳосил қилинади.

4.1.27. Объектга бегона шахслар томонидан объект ёки алоҳида хоналарга кириш оқибатида унинг бутлигига таҳдид қилинганлиги ва содир этилган моддий зарар тўғрисида Ижрочига хабар бериб, Ижрочи вакиллари келгунга қадар воқеа жойини дахлсизлигини таъминлайди.

4.1.28. Ижрочи томонидан белгиланган мажбуриятлар тўлиқ бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар миқдорини аниқлайди ва моддий товар бойликларни ҳисобини олиб бориш учун кўриқлаш ходими иштирокида моддий товар бойликларни қолдиғи ҳисобланади, шунингдек, Ижрочига барча ҳужжат ва маълумотлари тақдим этади.

4.2. Ижрочининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

4.2.1. ТҚП кўриғига топшириладиган объектнинг техник мустаҳкамлиги текширилиб, унинг ҚЁОС воситалари билан жиҳозланиши лозим бўлган жойларга қараб далолатнома тузади.

4.2.2. Объектда ҚЁОС воситаларини мажбурий жиҳозланиш жойларини белгилайди.

4.2.3. Объектга ҚЁОС воситаларини жиҳозланишини тавсия этади, объектнинг заиф жойларини ҚЁОС воситалари билан жиҳозланиши объект томонидан бажарилмаган тақдирда, шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган иловада белгилаб қўйилади.

4.2.4. Объектни техник мустаҳкамлиги далолатномасига асосан объект ҳисобидан ҚЁОС воситалари билан жиҳозлайди ва телефон алоқаси орқали пультага уланади, пульта маълумотномаларини тақдим этади.

4.2.5. Объектдаги ҚЁОС воситаларини ҳар 5 (беш) йилда тўлиқ мукамал таъмирлайди.

4.2.6. Объект билан келишилган ҳолда объектга қўшимча ҚЁОС воситаларини ўрнатиладиган тақдирда, томонлар ушбу Шартномага қўшимча келишув тузадилар ва объект ушбу бажариладиган ишлар ҳақини ўрнатилган тартибда аввалдан пул тўловини тўлагандан кейин амалга оширади.

4.2.7. Ўрнатилган тартибда объектни кўриқлашга олишда сигнализация воситалари ёрдамида ТҚМга уланиши ҳамда ўз вақтида кўриқлаш нарядини ташвиш хабари бўйича етиб боришини таъминлайди.

4.2.8. Объект кўриқлашда бўлган вақтда объектга рухсатсиз кирган шахсни қўлга олиш чорасини кўради.

4.2.9. Хўжалик идораси ходимларига ҚЁОС воситаларини ишлатилишини ўргатиб, бу борада йўриқномалар беради.

4.2.10. Ҳар бир тушган сохта ташвиш хабари бўйича далолатнома тузилиб, объект очилиб кўриқдан ўтказилиб, тузилган далолатноманинг бир нусхаси Буюртмачига берилади.

4.2.11. Сигнализация воситаларини 5 (беш) йил ишлатилгандан кейин мукамал таъмирланишини амалга оширади.

4.2.12. Хизмат ҳақи тарифи ўзгарган ҳолда Буюртмачини хабардор қилади.

4.2.13. Мазкур Шартномани тўхтатиш ёки бир томонлама бекор қилиниши қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

а) Буюртмачи 2 (икки) ойдан ошиқ кўриқлаш хизмати учун тўловларни тўламаганда;

б) Ижрочи томонидан техник сабабларга кўра ўз мажбуриятларини бажара олмасликлари туфайли (телефон рақами ўзгарганда, телефон ўчирилганда, ТҚМ тугатилганда);

в) Буюртмачини номи ўзгариб, Ижрочини бундан хабардор қилмаганда;

г) Мазкур шартноманинг 4.1.2., 4.1.3., 4.1.5., 4.1.7., 4.1.8., 4.1.16.-бандлари бузилганда.

4.2.14. Телефон ўчирилганда ёки носоз бўлган ҳолда, электр манбаи ўчирилганда ТҚП жойи ўзгарганда объект кўриқлашга қабул қилинмайди ва бу ҳақда Буюртмачини ёзма ёки телефон орқали хабардор этади.

5-боб. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Буюртмачининг жавобгарлиги :

5.1.1. Мазкур Шартноманинг 3.1.-бандида кўрсатилган сумманинг Буюртмачи томонидан ўз вақтида тўлмаганлиги учун Буюртмачи Ижрочига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.1.2. Объектни кўриқлаш даврида:

мазкур шартноманинг 4.1.2., 4.1.5., 4.1.6., 4.1.7., 4.1.8., 4.1.12., 4.1.14., 4.1.15., 4.1.16., 4.1.19., 4.1.20., 4.1.23., 4.1.24., 4.1.25., 4.1.26., 4.1.27.-бандларида кўрсатилган талаблар Буюртмачи томонидан бажарилмаганлиги оқибатида жавобгарликни ўз зиммасига олади.

5.2. Ижрочининг жавобгарлиги

5.2.1. Ижрочи мазкур шартнома кўрсатилган мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги натижасида Буюртмачига етказилган зарар учун моддий жавобгар бўлади.

Ижрочининг айби билан зарар етказилганлиги аниқланган ҳолларда зарар тўлиқ миқдорда қопланади.

Ижрочининг айби билан етказилган зарарнинг миқдорини аниқлаш учун томонлар вакилларида иборат комиссия тузилиши мумкин. Бунда, зарар миқдори тегишли хужжатлар билан расмийлаштирилиб, комиссия аъзолари томонидан тасдиқланади. Низо мавжуд бўлган тақдирда зарар миқдори суднинг қарори билан аниқланади.

5.3. Қуйидаги ҳолатларда келтирилган моддий-зарарлар учун Ижрочи жавобгар ҳисобланмайди:

Пул маблағлар Буюртмачининг объектда қолдиришга ҳаққи бўлмаган ҳолатда, белгилангандан ортиқ миқдорда қолдирилса, шунингдек пул маблағлари сейф ёки полга маҳкамланган металл шкаф (кути) ларда сақланмаган бўлса, ўғирланса ёки талончилик қилинса;

фуқароларнинг шахсий мулклари ўғирланса;

бино ёпилиши ёки кўриқлаш учун қабул қилинишидан олдин кириб олган шахс томонидан ўғирлик ёки талончилик содир этилса;

товар-моддий бойликларнинг ўғирланиши ёки талончилик қилинишида;

бу бошқа мулкдорники бўлиб, у кўриқланаётган хонани ижарага олиб кўриқлаш учун мустақил шартнома тузилмаган бўлса;

агар Буюртмачи томонидан кўриқлаш сигнализацияси ёқилмагани сабаб бўлса, объектни кўриқлашга топширмаган ёки кўриқлаш воситаларининг носозлиги ҳақида маълум қилмаган бўлса, шунингдек бошқа техник сабабларга кўра кўриқлаш олиб борилмаган бўлса;

шартноманинг 4.1.20.-банди талаблари бузилса, жихозланган витриналардан ўғирланса ёки талончилик қилинса.

Буюртмачи томонидан кўрсатилган муддатларда Объектни техник мустаҳкамлигидаги талабларни ва мазкур шартноманинг 4.1.5., 4.1.6., 4.1.8., 4.1.16., 4.1.24., 4.1.25.- бандлари бажарилмаганлиги оқибатида ўғирлик содир этилса.

6-боб. Низоларни ҳал қилиш тартиби

6.1. Мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафларни ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар қонун ҳужжатлари белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

7-боб. Форс-мажор

7.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажармаслик шартнома тузилгандан кейин пайдо бўлган, энгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) оқибати ҳисобланса, жавобгарликдан озод қилинади.

7.2. Енгиб бўлмайдиган уч ҳолатига ҳавола қилувчи Томон бошқа Томонни бундай ҳолатлар бошланганлиги ва тамом бўлганлиги тўғрисида икки кун ичида ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Ушбу муддат ичида хабар бермаган Томон мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилиш асоси сифатида кўрсатишга ҳақли эмас.

7.3. Форс-мажор ҳолатларига сув тошқинлари, ер қимирлаши ва бошқа табиий ҳалокатлар, шунингдек эпидемиялар, ёнғинлар, портлашлар, давлат ҳокимияти бошқаруви органларининг мазкур шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган қарорлари киради.

7.4. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати энгиб бўлмас куч ҳолатлари амал қилган даврга мутаносиб равишда кечиктирилади. Агарда форс-мажор уч ой давом этса Томонлар мазкур шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

8-боб. Яқуний қоидалар

8.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

8.2. Мазкур шартнома бюджет ташкилотлари ёки бюджет маблағлари олувчилари билан тузилганда ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради.

8.3. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилганда ҳамда Буюртмачи ва Ижрочининг вакиллари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқийдир.

8.4. Томонлар мазкур шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

8.5. Шартноманинг амал қилиш муддати қуйидагича белгиланади:

хўжалик юритувчи субъектлар бўйича-Томонлар тарафидан имзоланган кундан бошлаб 1 йил муддатга тузилади ва томонлар имзолаган кундан кучга киради;

бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилари бўйича-белгиланган тартибда ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб йилнинг 31 декабрь куни охиригача.

Буюртмачи хўжалик юритувчи субъект бўлган тақдирда Буюртмачи мазкур шартномани бекор қилиш ҳақида Ижрочига шартнома муддати тугашидан 15 кун олдин маълум қилмаса, мазкур шартноманинг амал қилиш муддати худди шу муддатга ва худди шу шартларга узайтирилган ҳисобланади.

8.6. Агар техник қўриқлаш воситалари Буюртмачининг айби билан ишдан чиққан, капитал ёки жорий таъмирлашни талаб қилса, бироқ Буюртмачи буни рад этса, Ижрочи

Буюртмачига етти кун олдин ёзма маълум қилган ҳолда алоҳида объектларни кўриқлашни рад этиши мумкин.

8.7. Буюртмачи кетма-кет уч марта мазкур шартноманинг 3.1.-бандида кўрсатилган тўловни белгиланган муддатда тўламаса, Ижрочи мазкур шартномани Буюртмачини ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

8.8. Томонлар мазкур шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида 15 кун олдин ёзма равишда маълум қилади.

8.9. Объектнинг хусусиятидан келиб чиқиб Томонлар мазкур шартномага қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларини назарда тутувчи қўшимча бандлар киритишлари мумкин.

8.10. Ушбу шартнома кучга киргандан сўнг 2021 йил 29 июн кунидаги № 1166-сонли шартнома ўз кучини йўқотади.

9-боб. Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари

«ИЖРОЧИ»

Ўз.Рес. Миллий гвардияси ҚББ

Тошкент вилояти Қўриқлаш бошқармаси

Қибрай тумани, Салар қўрғони, Зиёкорлар-1 кўчаси, 50-уй.

Х/р 21596000900189870001, ИНН 200524244,

ОКЭД 84240, МФО 00025

Ўз.Р Марказий Банки Тошкент вилояти

ББХКМ

Бошқарма бошлиғи



М.М.Мирзабеков

«БУЮРТМАЧИ»



Угом-Чотқол давлат миллий табиат боғи бош директори

У.М.Мирзакулов



2-сонли ТҚМ бошлиғи

Каримжан С.Х. Ашмурметов

Унвони, Ф.И.Ш.

Имзо

«ТАСДІКЛАЙМАН»

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
 Кўриқлаш бош бошқармаси Тошкент вилояти
 Кўриқлаш бошқармаси бошлиғи

М.М.Мирзабеков



2022 йил

«КЕЛИШИЛГАН»

ЎГом-Чотқол давлат миллий табиат
 боғи бош директори

У.М.Мирзақулов



2022 йил

Х И С О Б В А Р А Қ А

сарф харажатлар (01.09.2021 йилдаги тариф асосида)

№	Кўриқлаш тури	Объект номи	Кўриқлаш вақти	Бир ойлик кўриқлаш вақти (соати)	ТҚП учун бир соатга тўланадиган нарх (сўм)	КЕОС воситалари шартлиқ бирлиги	1 ойда тўланадиган нарх	Жами тўлов нархи (сўм)
1	ТҚМ периметр	Куролхона периметри	15 соат (17:00дан-08:00гача)	456 соат дам олиш кунисиз	6256 сўм.	5x29547=147 735 сўм.	2 852 736 сўм.	3 000 471 сўм.
2	ТҚМ ташвиш тўтма	Куролхона ташвиш тўтмаси	12 соат (19:00дан-07:00гача)	365 соат дам олиш кунисиз	3128 сўм.	1x29547=29547 сўм.	1 141 720 сўм.	1 171 267 сўм.
ЖАМИ :						6x29547=177 282 сўм.	3 994 456 сўм.	4 171 738 сўм.

Бир ойга : 4 171 738 (тўрт миллион бир юз еттиш бир минг етти юз ўттиз саккиз сўм 00 тишин)

Хизмат кўрсатиш нархлари, Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг Кадор ва Фармонларига биндон, Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган тарифлар асосида белгиланади

Тошкент вилояти Кўриқлаш
 бошқармаси МИБ бошлиғи

(Signature)

Бош ҳисобчи

(Signature)